



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 230 (12.041) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ



Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда).

– Ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётган кичик сержант Қўлдош Эллиев аскарлар ўртасида соғлом муҳит, ўзаро ишонч ва ҳурмат туйғусини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Билимли, тажрибали, шахсий таркибни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бу йигит дала-ўқув машғулотида, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, «Жанговар тайёргарлик аълочиси», «Ҳарбий спортчи» кўрак нишонлирига сазовор бўлган. Утган йили у Қуролли Кучларимиз тизимида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловида «Энг илғор сержант» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

– «Энг илғор мутахассис» танлови биз, ҳарбийларнинг маънавий-маърифий, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишга хизмат қилмоқда, – дейди Қ.Эллиев. – Шунингдек, ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашишимиз учун қулай шароит ва катта имконият яратмоқда.

Бундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган кичик командирлар зиммаларига юклатилган топшириқларни ўз вақтида пухта бажариш, профессионал ҳарбий бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахисизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган Ватанимиз ва мустақиллигимиз ҳимоячилари, хусусан, сержантлар учун қатор имтиёзлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида»ги қарори ва бошқа ҳужжатлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Айни кунларда барча ҳарбий қисм ва муассасаларда бўлгани каби Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 28 октябрда қабул қилинган фармойишига биноан Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлашга катта ҳозирлик қўрилмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар жараёнида сержантлар тайёрлашнинг бутунлай янги тизими жорий этилгани юксак самаралар бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун ҳар томонлама етук, юқори интеллектуал салоҳиятга эга, жисмонан ва руҳан бақувват кичик командирлар тайёрланмоқда.

Буни Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ҳарбийларнинг яшashi, ўқиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Жумладан, қатор қўлайликларга эга шинам ётоқхоналар, илмий, ҳарбий ва бадий адабиётларга бой кутубхона, замонавий жиҳозлар, тренажёрлар билан таъминланган спорт зали мавжуд.

Яратилган бундай имкониятлар курсантларнинг билим ва тажрибасини янада ошириш, ўз мутахассислигининг моҳир устаси, ватанпарвар, бурчиға содиқ бўлиб шаклланишига хизмат қилмоқда.

Кичик сержант Худойёр Фуломов – мактабнинг фаол курсантларидан.

Ўқш давомида ҳали кўп нарсаларни ўрганишим зарурлигини англаб етдим, – дейди Х.Фуломов. – Машғулотлар компьютер технологиялари ва кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда, янги ўқув дастури ва режалари асосида ўтказилаётгани пухта билим олишимизга хизмат қилмоқда.

Бугунги сержант армиямиз шахсий таркибини бугунга-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудрати ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган, аскарларнинг устози ва маслаҳатчиси, офицерларнинг яқин кўмакчиси, ҳам мураббий, ҳам кичик командирдир.

– Моддий-техник базаси тобора мустаҳкамлашиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқш белгиланган тартиб ва муддатга мувофиқ амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул офицери Шўхрат Қосимов. – Уларда ҳарбий қисм ва муассасаларда шартнома асосида хизмат қилаётган ва қўмондонлик томонидан кичик сержант унвонини олиш учун тавсия этилган олдий аскарлар тўққиз ой мобайнида тахсил олади. Кичик сержант унвонини олгандан кейин хизматни муваффақиятли давом эттираётган ва сержантлик ўқишга лойиқ топилган ҳарбий хизматчиларга эса уч ой давомида сабоқ берилди.

Сержантлар тайёрлашнинг ушбу тизими бераётган юксак натижаларни ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, муассасаларда эл-юртимиз тинчлиги ва оқсоқиллиги йўлида садоқат билан хизмат қилаётган сержантларнинг хизмат вазифини профессионал ёндашувида, муносабатиди, ғайрат-шижоатида ҳам кўриш мумкин.

– Ҳарбий қисмимизда сержантлар тайёрлаш мактабларини тугатган кўлаб сержантлар хизмат қилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қарашли ҳарбий қисм командири ўринбосари, офицер Ақром Шохакимов. – Улар берилган топшириқларни ўз вақтида, моҳирона бажариши билан бирга, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга ғам-хўрлик кўрсатиб, қисмимизда соғлом маънавий муҳит-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиравлар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Б.Алиханов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров ва бошқалар мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазатини таъминлаш ва барқарор ривожланишига эришиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли-

гида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишини ташкил этишини таъкидлади. Соҳага доир яратилган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар табиат ва инсон муносабатларини тартибга солиш, экологик муҳитни соғломлаштиришда муҳим омили бўлаётир.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик қонунчилик ижросини таъминлаш ишлари давлат назорати-га олингани Бош қўмисимизда белгилаб қўйилган. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бу борада қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги bosқинга кўтаришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси экологик қонунчилик ижроси юзасидан тегишли тартибда режалар текширувлар, мониторинг кузатувлари ўтказиб келмоқда, жойларда қонун ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилаётир.

Бундан ташқари, мамлакатимизда эко-

логик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган «Тоza ҳаво» тадбири мунтазам ўтказилмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш мақсадида узлуксиз тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Мамлакатимизда ратификация қилинган халқаро экологик конвенцияларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш – доимий эътиборда. Бу эса юртимизда экологик мувозанатни барқарорлаштириш, сув, ҳаво, тупроқ муҳофазатини таъминлаш, биологик хилма-хилликни муҳофазалашга хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, экологик қонунчиликни такомиллаштириш, табиатни муҳофазалаш билан боғлиқ тадбирларда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга доир долзарб вазифалар белгилаб берилган. Бу жараёнда атроф-муҳит муҳофазаси назоратини янада такомиллаштириш, табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини мустаҳкамлаш, мониторинг кузатувлари ва текширишлар самардорлигини ошириш, миллий дастур ва лойиҳалар, халқаро конвенциялар бўйича бажарилаётган ишларни мунтазам тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Йигилишда мазкур йўналишда эришилаётган натижалар, ечимини кутаётган долзарб муаммолар, экологик қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари хусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

ва «Қамолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда ёш ижодкорлар ва Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндорлари иштирок этишди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллеж-

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг қўшма мажлисида вилоятда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Унда сенаторлар, маҳаллий кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва бошқармалар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.
- Самарқандда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида республика ёшлар фестивали бўлиб ўтди.
- Хивада «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» ва «Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловининг якуний ҳудудий вазири бўлиб ўтди. Унда Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларида фаолият юритаётган Меҳрибонлик уйлари ҳамда болалар шаҳарчалари ҳодим ва тарбияланувчилари иштирок этди. Ҳар иккала йўналиш бўйича ғолиблар танловнинг мамлакат bosқинчида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.
- Фарғона вилояти Бувайда туманида «Лосгигантес текстайл» қўшма корхонаси фаолият бошлади. Ҳозир бу ерда Швеция, Италия ва Германиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида корхонанинг 90 кишилик жамоаси томонидан кунига 7 тоннага яқин пахта толаси қайта ишланиб, сифати халқаро талабларга жавоб берадиган калава ип ва турли сочиқлар тайёрланмоқда.
- Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоғида «Менинг маҳаллам тарихи» кўрик-танловининг Тошкент вилояти bosқинчи бўлиб ўтди. Унда Оққўрғон туманидаги Элтамғали маҳалласи жамоаси ғолиб деб топилди ва танловнинг республика bosқинчида қатнашиш учун йўлланма олди.
- Қумқўрғон туманидаги «Рамас уруғ» масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 93 минг АҚШ долларлики қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган омборхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда 60 тоннадан зиёд мева-сабзавотлар қиш учун ғамлаб қўйилган.

ЖАҲОНДА

- Кейинги пайтларда мамлакатда рўй бераётган оммавий тартибсизликларнинг олдини ололмаётган Миср ҳукумати тўла таркибда истеъфога чиқди. Қуролли кучлар Олий Кенгаши Бош вазир И. Шараф бошчилигидаги ҳукумат истеъфосини қабул қилди.
- Жорий йилнинг июнь-сентябрь ойлари мобайнида давлат қарзи миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 75 фоиз кўрсаткичидан 82 фоизга етган Венгрия ҳукумати вазиятни барқарорлаштириш мақсадида Халқаро валюта фонди ва Европа Иттифоқидан ёрдам сўради.
- Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида бўлиб ўтган наватбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефть нархи 1,09 АҚШ долларида ошиб, 1 баррели 98 АҚШ долларига етди. Лондонда ўтказилган савдолар чоғида эса Brent русумли нефть нархи 2,18 АҚШ долларида ошиб, 1 баррели 109,08 АҚШ долларини ташкил этди.
- Еврокомиссия Европа Иттифоқи аъзо бешта давлатни ўз бюджетни етишмовчилигини камайтириш учун шошилинч чора-тадбирлар қўришга чакирди.
- Судан армияси Жанубий Судан билан чегара яқинидаги ҳудудни исёнчилардан озод этди.
- Кеча Янги Зеландия пойтахти Окленд шаҳрида вертолёт кулаб тушган бўлсада, ҳеч кимга зарар етмади. Учувчи ҳам енгил жароҳат олди.
- Германия шимолидаги Рейн-Вестфалия трассасида ноқулай об-ҳаво шароити туфайли 52 та машина бир-бирига урилиб кетиб, натижада 3 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, 35 киши турли даражадаги тан жароҳати олган. Улардан 14 нафарининг аҳволи оғир эканлиги айтилмоқда.
- Автомобилсозлик соҳасида тадқиқот олиб борувчи нуфузли компаниялардан бири – «BernsteinResearch» охириги 21 йил давомида энг кўп даромад келтирган русумлар ўнталлигини эълон қилди. Рўйхатнинг дастлабки уч поғонасини «Ford», «JM» ва «Chrysler» компаниялари (барчаси АҚШга тегишли) банд этди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган транспорт воситалари умумий ҳисобда 108 миллиард АҚШ доллари фойда келтирган. Кейинги ўринлардан «Mercedes», «BMW» ҳамда бошқа концернлар жой олган.

Кичик бизнесга катта рағбат

Тарих шохид: халқимиз азал-азалдан ўзининг бунёдкорлик салоҳияти билан инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, бозорларни тўқин, юртини обод этиб келган. Ўшунинг учун минг йил билан бўйлашадиган кўлаб шахарларимизда хунарманлик ва савдо-сотик равнақ тоғгани тадбиркорлик халқимизга хос ноёб ва эзгу фазилат эканидан далолатдир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида истиқлолнинг илк йилларидан улуғ боболаримизнинг ана шундай эзгу аъёнларини изчил давом эттириш, одамларнинг мулкдор бўлишини кафолатлаш, ўз ақли ва салоҳияти билан махсулот яратаман деган инсонни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу йўналишда, аввало, бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси, уни жадал амалга ошириш учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби соддалаштирилди, рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробар қисқартирилди, янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш мuddати икки йилдан уч йилга узайтирилди.

Буларнинг самарасида жорий йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимизда 33 мингта кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички махсулотларидаги улуши 2010 йилнинг 9 ойида 48,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг шу даврида 50,5 фоизга етди. Шу йилнинг январь-сентябрь ойларида юртимизда 815,4 мингта иш ўрни яратилди, уларнинг 63,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг онги, дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгарди. Боқимандлик асоратларидан аста-секин халос бўлган ҳамюртларимиз ўз уйини обод қилишу дастурдорлигини тўқин этиш аввало ўзига боғлиқ эканини, бунинг учун етарлича шароит ҳам, имконият ҳам борлигини англаб етмоқда. Бошқача айтганда, «берсанг ёйман» тарзидаги боқиманда қарашлар ўрнига «харақатда барақат» қойдаси ҳаётимиздан кенг ўрин олмақда.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда вуқудга келган янги ижтимоий қатлам – мулкдорлар синфи жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаётган экан, тадбиркорлик маданияти тамойилларини ҳаётимизга янада кенгроқ жорий этиш, ёшларнинг ишбилармонлик салоҳиятини шакллантириш тобора долзарб аҳамият касб этаётди. Зеро, собиқ тузум даврида ўз ҳовлисида этиштирган мевани бозорга олиб чиққан одам ҳам «чайқовчи» аталарди. Бугун эса махсулот яратётган инсон ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Фаровонлик омили

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, изчил жорий қилинаётган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури аввало тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш ва юртимиздаги ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув, ноқонуний қарорлар қабул қилиш каби ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш – доимий эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматидан олинган маълумотларга кўра, прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида ўтказилган назорат тадбирларида юртимизда 1279 тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган. Бу асосан тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этувчи қарорлар қабул қилиш, фаолиятига ноқонуний аралашув, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқмаслик, ортиқча йиғимлар ундириш, муҳандислик-коммуникация тизимларидан асоссиз узиб қўйиш каби ҳолатлар билан боғлиқ.

Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 559 тақдимнома киритилиб, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 798 протест келтирилди, 1324 нафар мансабдор шахс оғоҳлантирилди, 666 нафар шахс интизомий, 169 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг 1,2 миллиард сўм ҳақини ундириш юзасидан судларга 117 ариза киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 мартдаги қарорига асосан Ўзбекистон Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида тадбиркорлар аризалари, таклиф ва шикоятларини қабул қилиш учун «ишонч телефони» ташкил этилгани ҳам бу борада муҳим омили бўлмоқда. Ҳозир 008 телефон рақамига бўлаётган қўнғироклар юзасидан текширишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилаётди.

Мисол учун, қибрайлик Ф.Ирисметов ўз шахсий ҳўжалигида деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун туман ҳўқимлигида жорий йил 18 апрелда берган аризаси жавобсиз қолдирилганини «ишонч телефони» орқали айтиб, шу масалада амалий ёрдам сўраган. Мазкур мурожаат Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан қўриб чиқилиб, 30 июль кўни Қибрай тумани ҳўқимлигида

тақдимнома киритилган. Натижада туман ҳўқимлигининг 13 августдаги қарорига биноан Ф.Ирисметовга деҳқон ҳўжалигини рўйхатдан ўтказиш учун рухсат берилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ана шундай ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш борасида қатор муҳим вазифалар белгиланган. Давлат бошқаруви органлари томонидан мазкур соҳа субъектларига турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда уларни чеклаш тартибларини кескин қисқартириш, тадбиркорларнинг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, тадбиркорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларнинг махсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш шулар жумласидандир.

Мазкур фармонга кўра, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга қисқартирилди. Жорий йилнинг 1 октябрдан бошлаб солиқлар, божжона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мuddатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорга нисбатан ундан бир қисмга қайтарилди. Юридик шахслар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой

ким, бунёдкор деҳқон маънавиятининг моҳияти нимадан иборату бекорчи боқимандалар қимлиги, ҳирсу тама боқибегамлик сабаблари таъсирчан ҳикоялар, бетакорор тимсолу образлар билан таъсирчан ёритилган. Мулкдорлик ва мулкпарастлик руҳияти ўртасидаги бир қарашда фарқлаш мушкул девор бор бўй-басти билан яққол кўрсатиб берилган.

– Ҳазрат Навоийнинг тадбиркор нафсу ҳавасга ружу этса, «молин азиз асраб, ўзини хор этиши» ҳақидаги теран тасаввур ва қарашлари бугунги замондошларимиз учун ҳам жуда таъсирчан сабоқдир, – дейди филология фанлари доктори Нусратулло Жумаҳўжа. – Навоий тасвирлаганидек, ақл-хушидан нишон қолмаслик даражасида мол-мулкка ҳирсу ҳавас боғлаш мулкдорни мулкпарастга айлантириб қўяди, уни маънавий таъназулга тортади. Бозорда нарху навоини сунъий равишда кўтариб, халққа жабр-зулму ўтказувчи худбин, тўймас, ноинсоф олибсотарлар дўконда инсофдан бошқа ҳамма нарса бор. Улар барибир барака топмайди.

Жамиятда ўзини фарибу ғурабо кўрсатадиган тоифалар ҳам борки, улар меҳнат қилиш ўрнига энгилнинг остидан, оғирнинг устидан юриб, текинтомоқлик билан кун қиришни таллайди. Алишер Навоий айтдики, улар меҳнатсиз даромадга қаноат ва шукур қилмайдилар, раҳм-шафқат ва ҳиммат кўрсатган кишиларга нисбатан узр-хоҳлик ва дуода бўлмайдилар. Ҳирсу тама билан ортирган неъматлари ҳузуридан на ўзлари, на ўзгалар баҳраманддир.

Алишер Навоий меҳнат аҳлини, бунёдкорлик эвазига ўзи ва эл-юрти фаровонлигини таъминловчи инсонларни ризқ йўлини очувчилар сифатида улуғлайди. Мулк – ўзлики намоён этиш, қимлигини исботлаш учун бир восита, Мангу Имитхон саволларидан бири эканини ўқтиради. Инсон ҳамиша ризқини меҳнат билан топиши лозимлигини, бу эса наинки ўзига, балки ён-атрофдаги инсонларга ҳам фойда келтиришини таъкидлайди: «нафинг агар халққа бешақдур, билки, бу наф ўзунга кўпрақдур».

Боғи суриштирилган узумлар

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида тириклик мазмунини

ҳалол ҳаёт ҳаловатида деб биладиган инсонлар билан бирга фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳўю ҳавасга берилган кимсалар дунёқарашлари тўқнашувидан ҳосил бўладиган саволлар одамзотни энгли яшай бошлаган замонлардан бўён ўйлан-тириб келаётганини, бу мавзуда қанчадан-қанча асарлар, назария ва қонун-қоидалар яратилган бўлса-да, ушбу масала бугунги кунда ҳам ҳануз ўткир ва долзарб бўлиб қолаётганини таъкидлайди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги учун шунча имкониятлар яратилганига қарамай, ҳалол меҳнат ўрнига, қинғир йўллар билан бойлик топишни истовчилар бугун ҳам орамизда учрамоқда. Тирикчиликнинг айланма йўллари талланган бундай кимсалар ҳам қонунчи бузади, ҳам одамларга зарар етказиб, ота-онасига лаънат олиб келади. Начора, гуруч қурмақсиз бўлиши қийин экан-да.

Мамлакатимизда сифати кафолатланмаган озиқ-овқат, жумладан товуқ гўшти махсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига ҳам қарши қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мубайнида божхоначиларимиз бошқа ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 448 қонунбузилиши ҳолатини аниқлаб, сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳўжатлари бўлмаган 167 тоннадан зиёд товуқ гўшти махсулотларининг мамлакатимизга ноқонуний олиб кирилишини тўхтатган.

Хусусан, Фаргона шахрида фуқаро Э.Йўлдошевнинг хонадон кўздан кечирилганда, у ерда хорижда ишлаб чиқарилган 3 тоннадан зиёд товуқ гўшти яширинча сақланаётгани аниқланган. Маълум бўлишича, йирик миқдордаги бу озиқ-овқат махсулотлари муқаддам кичик-кичик ҳажмда айланма йўллар орқали юртимизга олиб кирилган. Жиззахлик божхоначилар 810 килограммлик сифати кафолатланмаган «товуқ»нинг йўлини тўсган. Фуқаролар Ш.Сатторов ва Г.Қурбонова энди бу махсулотларни ноқонуний олиб ўтишга урингани учун қонун олдида жавоб беради. Бўка туманининг қўшни Тожикистонга туташ ҳудудида ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кўриб қолган, «кўён» бўлган қонунбузилиш ташлаб кетишга мажбур бўлган юклари тегишли тартибда кўздан кечирилганда, унда 600 килограмм товуқ гўшти борлиги маълум бўлади.

Халқимизнинг тадбиркорлик маданияти – аждодларимиздан мерос ишбилармонлик қадриятларининг бугунги авлодлар салоҳияти билан қайта кашф бўлишидир. У мамлакатимизда яратилаётган қўлай бизнес-муҳитдан оқилона фойдаланган ҳолда ўзига, оиласига, яқинларига, эл-юртига наф келтириш мақсадида фаолият олиб бораётган миллионлаб ҳамюртларимиз қалбидаги эзгу ниятлар муштараклиги, тафаккур ва ахлоқнинг миллий ўзлигимиздаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Ҳалоллик бор жойда кўт-барака, қўнғил хотир-жамлиги бўлади. Юртимизда ҳалол меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шароит ва имконият яратилган. Бунинг қадрига етиб, ундан самарали ва тўғри фойдаланаётганларнинг ошиғи олчи, пичоғи мой устида, обрўси баланд. Зеро, гуруч орасидаги қурмақлар йил сайин қайта бораётди...

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ТАДБИРКОРЛИК — ТАФАККУР ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҲОСИЛАСИ

мубайнида тенг улушларда тўлаш ҳўқуқига эга. Буларнинг барчаси нафақат бугунги, балки эртанги фаровон ҳаётимизнинг муҳим омилдир.

Рағбатда барака бор

Бугун юртимиз тадбиркорлари ҳар қадамда давлат ҳимоясини, эътибор ва гамҳўрлигини ҳис қилиб яшамоқда. Бу жиҳатлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун берилаётган мадад – имтиёзли кредитлар ҳажми ва салмоғи ошаётганида ҳам намойён бўлмоқда.

Жорий йилда кичик бизнес субъектларини, айниқса, уларнинг юқори технология ускуналар харид қилиши учун имтиёзли кредитлаш механизми такомиллаштирилди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мубайнида тижорат банклари томонидан хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 3,1 триллион сўмдан, шу жумладан микрокредитлар ҳажми 613,3 миллиард сўмдан ошди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўнайд.

Бу жараёнда Президентимизнинг 2006 йил 5 май кўни қабул қилинган фармонида мувофиқ ташкил этилган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкнинг имтиёзли микрокредит ва микролизинг хизматлари айниқса самарали бўлмоқда. Бу мамлакатимиз ишбилармонларининг интилишига мустаҳкам қанот бағишлаётди.

Самарқандлик Нодир Давронов 2009 йили «Микрокредитбанк»дан 2,8 миллион сўмлик кредит олиб, «Қорақуминшоот» кичик корхонасини ташкил этди. Истеъмолчиларга деворбоп қурилиш материаллари етказиб беришни мақсад қилган тадбиркор дастлаб бетон гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ишлари юришиб, кредитни мuddатидан аввал қоплашга эришган Н.Давронов яна мазкур банкдан 12 миллион сўм сармоа олиб, брусчаткалар тайёрлашни бошлади. Бугун корхонада суткасига 2-2,5 минг дона бетон гишт, 3 минг донагача брусчатка ишлаб чиқарилмоқда. Ишчилар сони ўн кишига етди.

Шахрисабзлик Файзулла Саломов раҳбарлигидаги «Зотли парранда» хусусий корхонаси фаолият бошлаганига энди уч йил тўлган бўлса-да, аҳоли дастурдорлиги сифатида ва парhez парранда гўшти билан таъминлаш борасидаги ибратли ишлари билан тилга тўшиб улгурди.

– Банкдан олган 3,3 миллион сўмлик микрокредит эвазига Хитой технологияси асосида инкубация ишларини йўлга қўйди, – дейди Файзулла Саломов. – Ўтган йили 110 мингта жўжа сотган бўлсак, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 200 мингта ташкил этди.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Ҳа, тадбиркор интилишига қанот бағишланса, бунёдкорлик ташаббуслари янада кенг қўлч ёзади. Нимадир яратишдан завқ олган инсон жамиятга наф келтириш билан бирга, ўз ҳаёт мазмунини ҳам англаб етади. Рағбатда барака мўл.

Мулкдорлик нима? Мулкпарастлик-чи?

Яратиш – тафаккур ва меҳнат ҳосиласи. Бирок энгил йўл билан, алдов ва фирибгарлик эвазига катта бойликка эришишни истовчилар барча даврда ҳам учраган.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳақиқий савдогар киму устомон олибсотар

ЭНЕРГОКОНСАЛТИНГНИНГ ИСТИҚБОЛИ КЕНГ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– «Elektromotors Azija» компанияси мамлакатимиз бозорида 2004 йилдан бўён фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди унинг тижорат директори Шавкат Изамов. – Иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун турли электр двига-теллари, мотор-редукторлар, насос ускуна-лари, дизель ёқилғисидан ишлайдиган саноат генераторлари, инверторлар, раван ишга тушириш тизимлари, частотали қайта ўзгартиргичлар ва бошқа технология ускуналарни таклиф этмоқдамиз. Барча махсулотларимиз халққаро ва Европа сифат стандартларига эга.

Россия, Германия, Италия, Испания, Финляндиядаги хорижлик шериклар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик махсулотларни етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш имконини бермоқда. Нефть-газ, кимё, пахта қайта ишлаш, кишлоқ ҳўжалиги, қурилиш тармоғи корхоналари «Elektromotors Azija» махсулотларининг хариддорларидир.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекнимёш» акциядорлик жамияти, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Бекобод металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Навоийазот» акциядорлик жамияти ва бошқа қатор йирик саноат корхоналари «Elektromotors Azija» истеъмолчиларидир. Масыулияти чекланган жамияти портфелида юзлаб буюртмалар бор. Яқинда пойтахтимизда ўтган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржада умумий қиймати 1,4 миллиард сўмлик ўнлаб шартномалар тузилди. Экспортга махсулот етказиб бериш кўламини ҳам кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Энергия аудити, яъни энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун ташкилотларни текшириш, энергия тежаш имкониятларини баҳолаш ва уни амалга оширишнинг энг мақбул услубларини ишлаб чиқиш, энергия сарфини қайтариш йўллари топиш «Elektromotors Azija» масулияти чекланган жамияти фаолиятининг яна бир йўналишидир. Масалан, тегишли ҳисобга олиш ва назорат қилиш приборларини жорий этиш, энергия истеъмол қилувчи эски ускуналарни алмаштириш, энергия менежментини ташкил этиш ва ўтказилган тадбирларни мунтазам мониторинг қилиб бориш энергия истеъмолини 10-30 фоизга қайтариш имконини бермоқда. «Elektromotors Azija» ҳозир мамлакатимиз ёғ-мой тармоқлари корхоналарида шундай ишларни амалга оширмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, энергоконсалтинг мамлакатимизда катта истиқболга эга. Негаки, энергияни тежаш масалалари бугун бутун дунёда долзарб ҳисобланади. Шу сабабли компания корхоналар мутахассислари учун нафақат электр энергияси, балки буғ, газ, мазут ва бошқа энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича машғулотлар ўтказиладиган ўқув марказини ташкил этишни режалаштирмоқда.

«Elektromotors Azija» масулияти чекланган жамиятининг самарали фаолияти 150 мамлакатнинг ўз махсулотлари ва хизматлари сифатини яхшилаш, бутун дунё компаниялари ўртасида савдо алоқаларини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратаётган ишлаб чиқариш ҳамда савдо компанияларини рағбатлантириш мақсадида «Editorial Office» наширёт гуруҳи ва савдо пешқадамлари клуби (Испания) томонидан ташъис этилган «Сифат учун» – «Янги мингйиллик соврини» (International Trophy For Quality – New Millennium Award) халқаро муқофоти ҳамда «For Global Quality Management» олтин нишони билан тақдирланди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Алоқа

МИЖОЗЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Бугунги кунда Юнусобод туманидаги 222/223 автомат телефон станцияси 21 мингдан ортиқ абонентга хизмат қилмоқда. Тизим муҳандиси Масимжон Яқуповнинг берган маълумотига кўра, бу ерда олий маълумотли мутахассислар меҳнат қилиб, абонентлар ҳурматини қозонмоқдалар.

Пайвандчи Т. Алимхўжаев, монтерлардан Ж. Қорахўжаев, Ж. Пўлатов ва бошқалар ўз билан ва маҳоратларини ишга солиб, вазифаларини аъло даражада адо этишмоқда. Станция жойлашган бино атрофидаги маҳаллалар қариялари улардан мамнун бўлишмоқда.

Станциянинг техника аппаратлари билан ишлаётган ходимлари ёшларга ҳомийлик қилишни ўз зиммаларига олишган.

Бу ерда станциядан фойдаланувчи мижозлар учун яна бир қўлайлик муҳайё қилинди. Тўловлар учун банк тармоғи ташкил этилди.

Ақбар АЛИЕВ

Кўргазмалар

КУЗГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Корея Республикаси элчихонаси ҳамкорлигида ҳамда Халқаро алмашувлар Корея жамғармаси кўмагида «Кузги учрашувлар» номли кўргазма ташкил этилди.

Мазкур кўргазмани ўтказишдан мақсад, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг маданий алоқалари ва ижодий ҳамкорлигини кўрсатишдан иборатдир. Кўргазма экспозициясига юртимизда истиқомат қилувчи корейс миллатига мансуб ва Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатининг ривожига ўз хиссасини қўшаётган рассомларнинг 58 та асари қўйилган. Бу асарлар Ўзбекистон ва Кореяда бирдай машҳур бўлган рассомлар — Искра Шин, Владимир Ким, Светлана Цой, Николай Пак, Светлана Шинларнинг ижод намуналаридир. Улар билан бир қаторда кўргазмадан ёш ўзбек рассоми Дилором Мамедованинг 15 та асари ҳам ўрин олган. Бу каби кўргазмалар шаҳримизнинг турли кўргазма залларида ва галереяларида кўрлаб ўтказилган. Бундай маданий тадбирларнинг ташкил этилиши Корея намояндаларининг Ўзбекистон маданий ҳаётида аҳамиятли ўринга эга эканигини яна бир бор тасдиқлайди. Уларнинг ҳар бири ўз ижодий услубига, санъатдаги ўз изланишларига эга. Жумладан, Владимир Ким тасвирий санъатда сермаҳсул ижод қилувчи ўзини хос истеъдодли ва кўп қиррали рассом. Рассомни қизиқтирувчи асосий мавзулар — афсона ва ривоятлар, тарихий акс эттиришдир. Ижодкор XX аср охиридаги образли нуктаи назардан афсона мавзусига аҳамият қаратиб, умуминсоний ҳодисалар моҳиятини вақтдан ташқарида бўлган маконда англаб, уни томошабинларга етказишга ҳаракат қилади.

Николай Пак — машҳур график рассом, рангтасвиричи, керамикчи. Рассом асарлари томошабинга улкан энергетик қувват бахш этиши муаллифининг асар яратиш жараёнидаги ижобий кайфияти ва ижодий жўшқинлигини ўз асарларига ҳада қилиши билан изоҳланади.

Искра Шин — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Унинг асарларида борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини жадал намоеъи этишга интилиш яққол сезилиб туради. Рассом учун энг муҳим вазифа бу — тез ўзгарувчан табиатнинг ҳолатини матога моҳирона туширишдир.

Ёш ижодкор Дилором Мамедова эса ўз ижодий изланишларини сермаҳсул олиб борувчи истеъдодли рангтасвиричи. Манзара ва натюр-морт жанрларида ижод қилади. Унинг асарларида она табиатимизнинг гўзал масканлари, бетақор табиати ўз аксини топади. Рассомнинг тасаввур оламидади ўтказиб ишлаган бу асарлари ўзининг декоратив ечимига эгаллиги ва бўёқдан серунум фойдаланилганлиги билан ажралиб туради.

Кўргазмани кузатар экансиз, нафис ва ёрқин ранглар оламига ошно бўлиб, ҳаётбахш рангтасвир асарларида она юртимиз табиатининг гўзаллиги, мафтункорлиги, жозибдорлигининг гувоҳи бўласиз.

Дилором ИКРОМОВА
Алексей Попов олган сурат



Тошкент Фармацевтика институти қошидаги академик лицейда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Айни пайтда юртимиз келажаги бўлмиш ёшларга барча шарт-шароитлар яратилган, уларнинг ўқиб-ўрганиши, истеъдодини намоеън этиши учун қилинган қулай имкониятлар, жорий этилган кўриқ ташлаблар, шу боис, бугун ёшларимиз спорт, санъат, маданият ва фан йўналишлари бўйича бирмунча галабаларга эришиб келмоқда. Ҳукуматимиз томонидан берилётган бу каби улкан эътибор қонуний асослардан ҳам ўз аксини топиб, бугунги кунда ўттиздан зиёд қонун ва қонун ости ҳужжатлар айнан ёшлар манфаати йўлида хизмат қилаётган.

Бод туман ҳокимияти вакиллари ҳамда институти ва лицей ўқитувчи, талабалари иштирок этди. Анжуманда асосий эътибор вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

мужм жихатлар, таълим-тарбия муассасаларидаги ўқув-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, бу борда жамоат ташкилотлари фаоллигини ошириш, «Маҳалла-мактаб-оила» концепциясини ҳаётага таъбиқ этишда зарур бўлган кўрсатмалар маърузачилар томонидан алоҳида тилга олинди.

— Ёшларни нафақат билим олиши, балки тарбияси, бўш вақтини самарали ўтказишини назорат қилиш без педагогларнинг асосий вазифамиз ҳисобланади, — дейди Тошкент фармацевтика институти маънавият бўлими услубчи-

Юртимиз истиқлолга эришганидан буён соғлиқни сақлаш соҳасида бир қатор самарали ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида аҳоли саломатлигини сақлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида Давлат дастурлари ва кўрлаб ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Саломатлик

ЎСМИРЛАР УЧУН ХАЙРИЯ ТАҚДБИРИ

Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори доирасида бемор болалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандларига амалий кўмак бериш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида кунга «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан қандли диабет билан касалланган болалар ва ўсмирлар учун хайрия акцияси ташкил этилди.

— Қандли диабет организмда инсулин танқислиги ва моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқувчи касаллик бўлиб, бу хасталик Шарқ халқ табибатида жуда қадимдан маълум, — дейди «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ижрочи директори Нозимжон Муминов. — Қанд касаллиги ирсий ёки ҳаётда ортирилганлиги, шунингдек, инсулин билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаганлиги билан

фарқланади. Диабетнинг биринчи тури асосан ўсмирлик ёшида учрайди. Бунда бемор организмда меъда ости беши ҳужайралари инсулин чиқара олмади, қонда қанд моддаси кескин кўпайиб кетади. Ташналик, озиб кетиш, қувватсизлик, бадан қичиши ва бошқа аломатлар кузатилади. Қандли диабет бир умрли касаллик бўлиб, уни бутун ҳаёт давомида даволаш зарур.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хабарларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 200 миллионга яқин одам қандли диабет касаллиги билан хасталанган.

Тадбирда сўзга чиққанлар кўп йиллар давомида инсонлар ушбу касаллик билан қандай курашишни билмаганликларини, «қандли диабет» ташхиси беморга нафақат тузалиб кетишига, балки яшашга ҳам умид қолдирмагани, 1922 йилда канадалик олим Фредерик Бантинг инсулин моддасини инъекция қилиб, ушбу касалликнинг оғир формаси билан хасталанган 14 ёшли боланинг ҳаётини сақлаб қолганлиги ҳақида хикоя қилдилар ва ушбу касаллик билан оғирланган инсулин моддаси ёрдамида назоратда ушлаб туриш мумкинлиги ҳақида йиғилганларга маълумот бердилар.

Шунингдек, тадбир ташкилотчилари томонидан ушбу хайрия акциясида қатнашган жами 15 нафар бемор болалар учун озиқ-овқат, инсулин ва шприцлар тарқатилди.

Нигора ТўЛАГАНОВА

Фестиваллар

САНЪАТДА МУЖАССАМ РИШТАЛАР

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида анъанавий «Муғом» халқаро болалар мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда бир қатор давлатлардан ёш истеъдод соҳиблари, санъат ва мусиқа оламига эндигина кириб келаётган навниҳоллар иштирок этди.

Унда республикамиз мусиқа ва санъат мактабларидан ҳам икки нафар ўспирин ёшларимиз қатнашдилар. Фестивалда Озарбойжон, Туркия, Миср Араб Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистондан халқ ҳофизлари, бахшилари ҳамда санъат соҳасида фаолият олиб бораётган профессор-олимлари ҳам ушбу анжуманни кузатиб бордилар.

Тантанали ва қизгин тарзда бўлиб ўтган фестивалда юртимиз ёш санъат вакиллари Хоразм вилояти «Урганч» туманидаги II-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг 2-синф ўқувчиси Ирода Сафаева фахрли иккинчи ўринга муносиб топилган бўлса, Қашқадар вилояти, Шаҳрисабз шаҳридаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг 5-синф ўқувчиси Наврўзбек Зикриллаев ҳам фестивалнинг махсус дипломи билан тақдирланди.

Дўстлик ришталари ва қардошлиқни тараннум этувчи, эзгуликка хизмат қилувчи бу каби санъат анжуманлари ёш истеъдод соҳибларини кашф этишда, уларни ангидан-янги ижодий чўққилар сари етаклашда ўз аҳамиятини намоеън этмасдан қолмайди.

Гулрух ШОМУРОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети 2-курс талабаси

ни Нигора Ашурова. — Таълим масканларида ташкил этиладиган учрашувлар ёшлар онгига яхши таъсир ўтказиши, мутахассислар тилидан эшитган ҳар бир фикр, ҳулоса ва таҳлил уларнинг тўғри йўлни танлаб олишларига яқиндан кўмак беради. Тадбирда ўқувчи-талабалар туманда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан баҳариланган ишлар, билди-билмасдан жиноят қўчасига кириб қолган ўсмирлар қилиши, жиноятчилик ва диний оқимлар руҳидан қандай ўзини ҳимоялаш зарурлиги ҳусусида қимматли фикрларга эга бўлишиди. Уйлаيمانки, бундай тадбирлар ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитишига, бор фурсатини илм эгаллашга сафарбар этиб, мустақил ҳаётда юртимиз шаънига лойиқ бўладиган фарзандлар бўлишга қақарилади.

— Содир этилган ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди, — дейди туман ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходими Нигора Аҳмедова. — Шундай экан, ёшларга ҳар бир қилганича беэзорлик кейинчалик ўз ортидан жиноятни етаклаб келишини, буни англаб етишни ҳозирдан бошлаш зарурлиги тадбир давомида мисоллар билан тушунтирилди. Айтиши керакки, ҳар бир киши ўзи ва атрофдагиларга эътиборли ва ҳушёр бўлиши жамятимиз ва оилаларимиз учун бирдек фойдалидир.

Нарғиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

Фан

КЕНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ

«Ер ости ва ер сатҳи сувлари сифати ва уларни бошқариш тартибининг иқтисодий усулларини ишлаб чиқиш» деб номланган йирик тадқиқот Ўзбекистон Фанлари академияси сувамоллари институти томонидан амалга оширилди.

Ушбу йўналишдаги илмий иш институт илмий фаолиятида асосий ўрин тутди. «Худуднинг экологик мувозанатини тиклаш ва сақлаб қолишда суғориладиган деҳқончиликда, коммунал хўжалиқда сув сарфлаш, тежаш технологиясининг илмий асослари» деган мавзуда олиб борилган тадқиқот ҳам алоҳида тўплам қилиб чоп этилди. Шунингдек, қатор босма нашрлар юзага келди.

ИНСТИТУТ НУФУЗИ ЯНАДА ОРТДИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг халқаро матбаа олий ўқув юртлари Ассоциациясига аъзо этиб қабул қилинганига 15 йил тўлди. Ўшанда бу нуфузли ташкилотнинг президенти Хартман Либетрут Тошкентда бўлиб, янги аъзо сифатида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилар жамоасини муборакбод этган эди.

Айни вақтда президент олий ўқув юртининг фахрий профессори деб эълон қилинди. Ассоциация ҳомийлигида институт матбаа соҳасига оид қатор янги техника ва технологияларга эга бўлди. Дунёдаги нуфузли турдош олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди. Матбаа машиналари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган «Хелделберг» фирмаси билан ҳамкорлик ўрнатилди. Бу эса матбаа ўқув марказини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш имконини берди. Институт Германиянинг Вупперталь шаҳридаги Берг бирлашган университети ҳамда Россиянинг Москва матбаа университети билан уч томонлама ҳамкорлик шартномаси бўйича ўқув жараёнига матбаа таълимини жорий этишга эришди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, олий ўқув юрти корпоратив ахборот алоқасига ҳам уланди. Масофадан ўқитиш жорий этилиб, видеоконференциялар ўтказиш йўлга қўйилди.

Аҳмад АББОСОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

I. Аукцион савдоларига Юнусов туман СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2011 йил 25 апрелдаги 11415/17-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 557,63 кв.м бўлган, 8 та яшаш хона, дахлиз, 3 та ҳаммом, йўлак, ошхона, ҳожатхона, 2 та холл, 2 та ертўла, 2 та соябондан иборат уй-жой қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 681 377 376 сўм.

2. Фўқорлик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлар судининг 2011 йил 2 майдаги 11989-01/17-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, 10-даха, 16-уй, 92-хонадон манзилда жойлашган, умумий майдони 94,05 кв.м бўлган, 4 та яшаш хона, дахлиз, ошхона, ҳожатхона, ҳаммом ва айвондан иборат уй-жой қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 65 000 000 сўм.

3. Фўқорлик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман судининг 2010 йил 9 августдаги 23776-77-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Н.Парпичова кўчаси, 18а-уй манзилда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м, тўрт хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 31 000 000 сўм.

II. Аукцион савдоларига Бектемир туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2011 йил 15 августдаги 11-1128/11168-сонли ижро варақасига асосан, «Бинокор қурилиш таъминот» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Бинокор кўчаси, Зирот кўчасида жойлашган бир қаватли, 11 та хонадан иборат, умумий майдони 288 кв.м бўлган, Блок-«А» маъмурий биноси қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 375 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йил 26 декабрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиш танлиши мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхташилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатла пулин, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИБ Савбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлаш шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия: RR-0001

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТОШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Тошкент кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар, Ганга-61 жарима майдончасида сақланаётган, «ВАЗ-21061» русумли, д/р30У4023 бўлган 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.03.2010й, №3694/4. Бошлангич баҳоси — 5 600 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар, «Шайхонтоҳур Инвест» жарима майдончасида сақланаётган «Газ-31029» русумли д/р11J6925 бўлган 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.10.2008й, №13693/15. Бошлангич баҳоси — 2 144 907 сўм.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 10.03.2011 йилдаги 10-1107/953-сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳар, Фаробий кўчаси 383-уйда сақланаётган: 3. «Тико» русумли д/р10 АХ 590 бўлган 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 5 939 056 сўм. 4. «Тико» русумли д/р10 АХ 591 бўлган 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 107 739 сўм. 5. «Тико» русумли д/р10 АХ 593 бўлган 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 045 995 сўм.

II. Аукцион савдосига Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

— ЖИБ Тошкент вилояти судининг 09.08.2010 йилдаги 2-123/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, ИИБ ЙХХБ майдончасида сақланаётган: 1. «ГАЗ-3110-101» русумли д/р 10У350АА бўлган 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 8 287 113 сўм. 2. «ГАЗ-3110-101» русумли д/р 10У366АА бўлган 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 6 842 649 сўм.

— ЖИБ Тошкент вилояти судининг 02.02.2011 йилдаги 2-28/11-сонли ижро варақасига асосан, ИП «Нобел Фармасоат» КК майдончасида сақланаётган: 1. «Даймлербенц» русумли д/р 15U0077 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 70 000 000 сўм. 2. «Шмиц Карбонил» русумли д/р 15А500 бўлган 1999 йилда и/ч тиркама-риймитиркама. Бошлангич баҳоси — 52 000 000 сўм. 3. «Мерседенц-Бенц АСТРО718401» русумли д/р 16R5606 бўлган 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 50 000 000 сўм. 4. «SCHMITZSK024» русумли д/р 16С616 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 50 000 000 сўм. 5. «Мерседенц-Бенц 95403» русумли д/р 16Q3031 бўлган 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 50 000 000 сўм. 6. «LAMBERT-F» русумли д/р 16В494 бўлган 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 30 000 000 сўм. 7. «Мерседенц-Бенц 1935S» русумли д/р 14FC777 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 34 000 000 сўм. 8. «SK-24» русумли д/р 14А777 бўлган 1995

йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 44 000 000 сўм. 9. «Мерседенц-Бенц» русумли д/р 15АF506 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 34 000 000 сўм. 10. «SK-24» русумли д/р 19А351 бўлган 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 44 000 000 сўм. 11. «Volvo FH 12» русумли д/р 40В703АА бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 53 000 000 сўм. 12. «SCHMITZ SK024» русумли д/р 15G205 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 50 000 000 сўм. 13. «Volvo» русумли д/р 17V6746 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 55 000 000 сўм. 14. «SD COACHWORKS» русумли д/р 17С063 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 32 500 000 сўм. 15. «МАН» русумли д/р 16М6959 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 75 000 000 сўм. 16. «Когель» русумли д/р 16В410 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 35 000 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБга қарашли «Шайхонтоҳур Инвест» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. «Шевролет Отра» русумли д/р 01 755 ЕАА бўлган 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.05.2011й, №1-184/2011. Бошлангич баҳоси — 30 000 000 сўм. 2. «Нексия ДОНС 2» русумли д/р 01 М 874 ВА бўлган 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.12.2010й, №1-855/2010-сонли. Бошлангич баҳоси — 23 147 200 сўм.

IV. Аукцион савдосига Юнусов тумани СИБ томонидан, 05.04.2011 йилда ижро ҳужжатида асосан, Тошкент шаҳар Бунёдкор шох кўчаси, 11А-уй, «Трастбанк» ХОААБ «Тошкент» филиалида сақланаётган «Лада 21074-110-30» русумли д/р 01 061САА бўлган 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 30 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 27 декабрь кун соат 11:00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиш танлиши мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхташилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатла келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатла пулин тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РММнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлаш

Спорт янгиликлари

Россиянинг Сочи шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича уюштирилган халқаро турнир мамлакатимизда ушбу спорт тури ёшлар орасида тобора оммалашаётганлигини яна бир карра исботлади.

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Кувонарлиси, курраи заминнинг ўндан ортик давлатидан ташриф буюрган спортчилар билан беллашган таэквондочиларимиз 10 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза медалларини қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида ҳам Ўзбекистон терма жамоасига халқаро турнир голиблиги насиб этди.

Этиборлиси шундаки, ҳозиргача икки бор жаҳон чемпионати голиби деган шарафли номга эга бўлган ҳамюртимиз Санжар Алимов мазкур беллашуларда ҳам юксак маҳорат кўрсатиб барча рақибларидан кучли эканлигини исботлади. У тил ва масоғи баҳсларида кумуш ва олтин медаль билан тақдирланди.

Энди таэквондочиларимиз келгуси йили ўтказиладиган Осиё ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шаҳримизда ўн ёшгача бўлган ёш «ақл гимнастикаси» усталари иштирокида уюштирилган «Олтин куз» болалар шахмат фестивали юртимизда фарзандларимиз орасида ушбу спорт турига қизиқиш кучайиб бораётганлигини яна бир карра исботлади.

Фестивалда ўттиз нафарга яқин ўғил-қиз швейцарча усулда голиблик учун донна сурди.

Мурасасиз ва қизиқарли кечган беллашулар якунида саккиз галаба ва бир дурраг натижа қайд этган ҳамшаҳримиз Шамсиддин Воҳидов биринчи ўринни қўлга киритди. Яна бир пойтахт вакили Лазизбек Нурмухаммадов эса тўққиз партиядан фақатгина биттасида мағлуб бўлиб иккинчи ўрин билан кифояланганга мажбур бўлди. Пешқадмлар билан голиблик учун кескин кураш

олиб борган пойтахт вилояти вакили Шерзод Бекмуродовга учинчи ўрин насиб этди.

Қизлар ўртасида эса тўққиз имкониятдан беш очко жамғарган пойтахтлик Мария Арефьевага шохсупанинг энг юқори поғонаси насиб этган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринларни навоийлик Марҳаб Носирова ҳамда пойтахтлик Муниса Муродиллаевалар эгаллашди.

Фестиваль якунида голиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Грипп — тез юқадиган ўткир респиратор вирусли инфекциялар туркумига кирадиган юқумли касаллик ҳисобланади. Ушбу касаллик умумий интоксикация белгилари, юқори нафас йўллари катарал ўзгариши, респиратор синдром билан кечади.

Грипп касаллиги жуда катта хавф туғдирадиган вирусли инфекция бўлиб, қисқа вақт ичида кўп миқдордаги инсонларни зарарлайди. Касаллик манбаи грипп билан хасталанган беморлардир. Айниқса, бу касалликнинг атиптик турлари билан касалланган беморлар катта хавф туғдиради. Касаллик бемордан соғлом инсонга гаплашганида, йўталганида, акса урганида юқди. Бу касаллик йил давомида кузатилиб, кўтарилишини биз кўпроқ қиш, куз фаслларида айниқса, январь-февраль ойларида кузатамиз. Касаллик катталарда бўлгани сингари болаларда ҳам учрайди. Болаларда ва қаришларда оғирроқ кечиши билан ажралиб туради. Инфекция асосан юқори нафас йўллари орқали кириб, бутун нафас органларини зарарлайди.

Касалликнинг кечилиши бир неча даврларга бўлиш мумкин:

- 1). Инкубацион даври — 2-5 кун;
- 2). Касалликнинг асосий клиник белгилари намоён бўлиш даври — 3-7 кун;
- 3). Реконвалесценция даври — 7-10 кун давом этади.

Касаллик одатда ўткир бошланади, беморларда бош оғриши, ҳолсизлик, ланжлик, кам иштаҳали каби шикоятлар пайдо бўлади. Кейин тана ҳарорати баланд бўлиб, 38-39 даражага кўтарилди ва 3-4 кунгача давом этиши мумкин. Шу билан бирга беморларда кўз соққаларида, суюк-мушакларда ҳам оғрик кузатилади. Тумов белгилари пайдо бўлади. Нафас олиш тез-тез бўлиб, томоқда оғрик сезилади. Айниқса, беморлар суюклик ичганида, яъни ютинганда оғрик кучли бўлиши мумкин. Касалликнинг 4-5-кунлари йўталиш аломатлари пайдо бўлиши мумкин. Беморларни объектив

ИСТАМ ҚУДРАТОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Литванинг Вильнюс шаҳрида самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатининг жанговар самбо баҳсларида қатнашган ўзбекистонлик Истам Қудратов олтин медални қўлга киритди.

Вазни 68 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида истеъдодли полвонимиз голландиялик Виталий Хомейлев, қозғистонлик Бауржан Гумаров ва россиялик Михаил Купцовни енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи

беллашувда германиялик Разим Лемберанскийни ўн икки сонияда мағлубиятга учратган ҳамюртимиз шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Шунингдек, жанговар самбо баҳсларида Ислон Азимов к-

муш медални қўлга киритган бўлса, Саттор Эргашев ва Илҳом Сотиволдиев бронза медаллари билан тақдирланди. Биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медаль жамғарган ўзбекистонлик жанговар самбо усталари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Эркаклар ўртасида ҳамюртимиз Эркин Дониёров бронза медаль билан кифояланган бўлса, хотин-қизлар ўртасида баҳсда Дилдора Убайдуллаева шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

ҚИЛИЧБОЗЛАР КУЧ СИНАШДИ

Тошкентдаги республика Олимпия заҳиралари коллежида беш кун давомида қиличбозлик бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда ўсмирлар ва қизлар иштирок этди.

Мусобақалар қиличбозликнинг учта тури бўйича ўтказилган бўлиб, дастлабки беллашуларда тошкентлик Руслан Қудаев, қизлар ўртасида эса Навоий шаҳридан Альбина Абдурахмоновалар галаба қозонди. Кейинги турда ўсмирлар орасида ҳурмат шохсупанинг энг юқори поғонасига ҳамшаҳримиз Рустам Дўстмухамедов кўтарилган бўлса, қизлар ўртасида андижонлик Гулмира Зияевага тенг келадиганлар топилмади. Ниҳоят учинчи тур мусобақаларида қизлар ўртасида ҳам, ўсмирлар ўртасида ҳам пойтахт вакиллари Евгений Кокоников ҳамда Маргарита Андреевалар галаба наҳидасини суришди. Умумжамоа ҳисобида ҳар учала тур бўйича тошкентлик қиличбозлар биринчи ўринларини эгаллашган бўлса, қизлар баҳсида навоийлик ва пойтахтлик қиличбозлар голиб чиқди.

Ўзбекистон Кубогининг голиб ва совриндорларига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

И.ДИЛШОДОВ
Алексей Попов олган сурат



КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун ўтказилаётган Осиё саралаш мусобақаси доирасидаги учрашуларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Олимпиячиларимиз навбатдаги икки учрашувни шу йилнинг 23 ва 27 ноябрь кунлари сафарда Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Австралия футболчиларига қарши ўтказди.

руҳида тўп сурмоқда. Биринчи тур учрашувида ироқлик футболчиларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Ўзбекистон олим-

пия терма жамоаси саралаш гуруҳида пешқадмлик қилмоқда.
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

кўрганда уларнинг юзи, бўйни териси, қўларининг ичи қизарган, ёшланган бўлади. Юрак уриши секин, кўп терлаш аломатларини кузатиш мумкин. Гриппнинг оғир турларида ҳаттоки баъзи бир менингал белгилар пайдо бўлиши ҳам кузатилади. Яъни, беморлар боши қаттиқ оғриши, кўнгил айниши, қусиши мумкин. Шундай белгилар пайдо бўлганида, албатта ишга, ўқишга бормасдан уйда қолиш ва зудлик билан яшаш жойидаги уй шифокорини чақиртириш лозим. Шифокор кел-

Грипп — вирусли инфекция туркумига киргани учун антибиотиклар билан даволаш мумкин эмас. Уларни фақатгина гриппнинг асоратларида буюрилади. Биринчи даво чораларига бу вирусга қарши дори воситалари киради. Бундай дорилардан тамифлю, ремантадин, амантадин кабилар мавжуд бўлиб, уларни касаллик бошланғичи билан беморларга берилса, грипп асоратсиз ўтиши мумкин. Шу билан бирга катта миқдорда аскорбин кислотаси, десенселизация мақсадида диозалин, супрастин каби таблеткаларни ичиш, бурунга интферон томизити керак. Бу дори-дармонларни албатта шифокор буюртмасига асосан қабул қилиш лозим.

Лекин бемор бундай дори-дармонларни ичганида ҳам аҳоли яхшиланмаса, бундай шароитда албатта шифокорга ётиб даволаниш зарур бўлади.

Барча касалликларнинг асоратлари бўлгани каби, грипп касаллигининг ҳам асоратлари бор. Энг кўп учрайдиган асоратлардан бири, бу — ўпка зотилжамми, фарингит, ларингит, менингитлардир.

Маълумки, ҳар бир касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқдир. Шунингдек, грипп касаллигининг ҳам олдини олиш мумкин. Бу авваламбор вакцинациядир. Ҳозирги вақтда бу касалликнинг олдини олиш учун кўпгина вакциналар қўлланилади. Булар жумласига энг кўп ишлатиладиган «Инфлювак» вакцинаси киради.

Бу вакцинани катталарга, болаларга, ҳаттоки ҳомиладор аёлларга ҳам қилиш мумкин. Лекин албатта вакцинация қилинишидан олдин шифокор кўригидан ўтиб, унинг маслаҳатини олиш лозим.

Грипп касаллигининг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш зарур, яъни, куз-қиш фаслларида иссиқ кийиниб юриш, яхши овқатланиш, овқат раионинда ҳўл меваларни кўпроқ истеъмол қилиш, грипп билан касалланган беморлар билан яқин мулоқотда бўлмаслик, ўзини ҳимоя қилиш учун эса 4 қаватли ниқоб тақиш тавсия этилади.

Гулноза ҚУРБОНОВА,
шаҳар 1-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори ўринбосари

Мутахассис маслаҳати

ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

гунга қадар эса бемор ётган уйни алоҳидалаш, бошқа оила аъзолари билан мулоқотни тўхтатиш лозим. Беморга албатта ётоқ режими тавсия этилади ва докали ниқоб тақиб олиши зарур. Беморларга тез-тез кўп миқдорда суюқлик ичириш, яъни лимонли чой, наъматак дамламаси, бундан ташқари витаминларга бой бўлган овқатлар бериш тавсия қилинади.

Бемор ётган уйни тез-тез шамоллатиш, кунига 3-4 марта зарарсизлантурувчи воситалар билан тозалаб туриш керак. Бундан ташқари уйда кунига 1-2 марта исирик тутатиш ҳам грипп касаллигининг бошқа оила аъзоларига юқишдан асрайди. Шуни айтиш жоизки, шифокорнинг буюртмасисиз дори-дармонлар қабул қилиш мумкин эмас. Чунки билар-билмас дори воситаларини қабул қилиш, ёмон асоратларга олиб келиши мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2839 нускада босилади.
Қиёғи бегими А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИҚОЯТ
ВА РИВОЯТЛАРИ

Анушервони одил ҳукмронлиги даврида икки дарвеш унинг саройига келиб, улардан бири баланд товуш билан:

— Ёмонлик кўрмай десанг, ёмонлик қилма! — деса, иккинчиси:

— Яхшилик қилган киши яхшилик кўради! — дебди.

Анушервон уларнинг бирисига минг, иккинчисига икки минг динориньом қилибди. Мулозим ва надимлари ҳукмдорнинг бу ишидан ҳайрон бўлиб сўрашибди:

— Икковининг сўзи ҳам бир маънони ифодалагани ҳолда, нега икки хил мукофот бердингиз?

— Тўғри, — дебди Анушервон жавобан, — лекин яхшиликни улуғлаш учун улардан бири нуқул ёмон сўзини, иккинчиси фақат яхши сўзини ишлатди.

Анушервон ҳузурига узоқ-яқиндан вақиллар келган экан. Анушервон илму донишда мумтоз вазири Бузургмехрнинг ақлу заковатини меҳмонларга кўз-кўз қилиш ниятида ундан:

— Эй ҳақим, дунёда энг яхши нарса нима? — деб сўрабди.

— Дунёда уч нарсдан ўтадиган ҳеч нима йўқ, — дебди Бузургмехр.

— Нима экан улар?

— Ўлим, аёл ва эҳтиёж.

Анушервон бу жавобдан хижолат бўлибди ва ҳақим бемаъни гап айтиб қўйди, деб ўйлабди. Кейин қулай фурсат топиб, бу нима деганинг, дурустроқ шарҳлаб бер, дебди. Шунда Бузургмехр:

— Эй шаҳриёри олам, аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот қаердан туғиларди, ўлим бўлмаганда отаннинг салтанати сенга тегармиди, эҳтиёж бўлмаганда менга ўхшаган одам сенинг саройингда турармиди? — дебди.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган

(Давоми бор)

УЗТДПРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 24 ноябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фардан секунди-га 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража ишиқ, кундузи — 5-7 даража ишиқ бўлади. Узятдпрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратлади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазисага кўтарилиши тахмин қилинмоқда, тағмиқ-эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 дари наст бўлади.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Тошкент почтамати»да табрикнома, таклифномаларни қўлдан қўлга етказиб бериш бўйича янги хизмат ташкил этилди.

Маълумотлар учун телефон: 237-21-46; сайт www.pochta.uz

Газета ва журналлар таҳририятларига!

Таҳририятлар томонидан 2012 йилга қабул қилинган обуна учун, обунани элтиб бериш бўйича «Тошкент почтамати» шартнома тузади.

Маълумотлар учун телефонлар: 233-73-56, 236-29-78

(Газетанинг навбатдаги сони 25 ноябрда чиқади)



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32